

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ КУТАҒУЕ БЎАСИН!

BA Oila va jamiyat
Билел **Орталық**

52


сон

31 декабр -
6 январ
1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

98



ЯНВАРЬ

д	5	12	19	26	
с	6	13	20	27	
ч	7	14	21	28	
п	1	8	15	22	29
ж	2	9	16	23	30
ш	3	10	17	24	31
я	4	11	17	25	

ФЕВРАЛЬ

д	2	9	16	23
с	3	10	17	24
ч	4	11	18	25
п	5	12	19	26
ж	6	13	20	27
ш	7	14	21	28
я	1	8	15	22

МАРТ

д	2	9	16	23	30
с	3	10	17	24	31
ч	4	11	18	25	
п	5	12	19	26	
ж	6	13	20	27	
ш	7	14	21	28	
я	1	8	15	22	29

АПРЕЛЬ

д	6	13	20	27	
с	7	14	21	28	
ч	1	8	15	22	29
п	2	9	16	23	30
ж	3	10	17	24	
ш	4	11	18	25	
я	5	12	19	26	

МАЙ

д	4	11	18	25	
с	5	12	19	26	
ч	6	13	20	27	
п	7	14	21	28	
ж	1	8	15	22	29
ш	2	9	16	23	30
я	3	10	17	24	31

ИЮНЬ

д	1	8	15	22	29
с	2	9	16	23	30
ч	3	10	17	24	
п	4	11	18	25	
ж	5	12	19	26	
ш	6	13	20	27	
я	7	14	21	28	

ИЮЛЬ

д	6	13	20	27	
с	7	14	21	28	
ч	1	8	15	22	29
п	2	9	16	23	30
ж	3	10	17	24	31
ш	4	11	18	25	
я	5	12	19	26	

АВГУСТ

д	3	10	17	24	31
с	4	11	18	25	
ч	5	12	19	26	
п	6	13	20	27	
ж	7	14	21	28	
ш	1	8	15	22	29
я	2	9	16	23	30

СЕНТЯБРЬ

д	7	14	21	28	
с	1	8	15	22	29
ч	2	9	16	23	30
п	3	10	17	24	
ж	4	11	18	25	
ш	5	12	19	26	
я	6	13	20	27	

ОКТАБРЬ

д	5	12	19	26	
с	6	13	0	27	
ч	7	14	21	28	
п	1	8	15	22	29
ж	2	9	16	23	30
ш	3	10	18	24	31
я	4	11	17	25	

НОЯБРЬ

д	2	9	16	23	30
с	3	10	17	24	
ч	4	11	18	25	
п	5	12	19	26	
ж	6	13	20	27	
ш	7	14	21	28	
я	1	8	15	22	29

ДЕКАБРЬ

д	7	14	21	28	
с	1	8	15	22	29
ч	2	9	16	23	30
п	3	10	17	24	31
ж	4	11	18	25	
ш	5	12	19	26	
я	6	13	20	27	



Ўзбекистон Республикаси

Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Инсон манфаатлари йили»га белгиланган дастур ва режаларни бажариш борасида вилоятларда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, уларни

Ахборот

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

нинг меҳнат шароитларини, ижтимоий муҳофазасини яхшилаш буйича ибратли ишлар қилинганлигини қайд этиш билан бирга, ҳали бу борада қилинажак ишлар қўлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда 1998 йилнинг Президентимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан хотин-қизлар қўмиталари олдидан турган вазифалар белгилаб олинди, қўмитанинг 1998 йилнинг биринчи ярим йилдагидек иш режаси, «Энг намунали келинчак» курик-танловининг Низоми ва шартлари тасдиқланди.

Раёсат йиғилишини Бош вазир уринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова бошқарди.

СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг навбатдаги йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари томонидан жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурини бажариш буйича амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Шу хусусда Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ахборотлари тингланди. Ушбу вилоятларда хотин-қизларни соғломлаштириш, соғлом авлодни шакллантириш, ногиронликнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар етарли эмаслиги таъкидланди. «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурида белгиланган тадбирларни 1998 йилда ҳаётга таъбиқ этишни давом эттириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Муассисларимиз фаолиятдан

АҲЛОҚЧИЛАРГА МАЪНА!

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Болалар жамғармаси Бухоро вилояти бўлими томонидан қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, вилоятдаги мактаб, лицей ва мактаб-интернатларда таҳсил олаётган 10 нафар иқтидорли, аълочи ва жамоатчи ўқувчи учун стипендия таъсис этилди. Бу ўқувчиларнинг ҳар бири ойига 500 сўмдан стипендия олиб туришибди. Стипендиатлар орасида Вобкеит туманидаги 6-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азизжон Қулшев, Ғиждувон туманидаги 35-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Мўмина Идиева, Шофирқон туманидаги 3-гимназия-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мухаббат Пирназарова ва бошқалар бор.

Жамғарманинг вилоят бўлими кириб келаётган янги йил байрами — Оила йили арафасида 100 миң сўмлик байрам совғалари ҳозирлаб қўйди. Бу совғалар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, вассийлар қўлида, «Меҳрибонлик уй»ларида тарбияланётган болаларга тартиқ қилинади.

— Мухтарам Президентимиз 1998 йили «Оила йили» деб эълон қилганлари бизни беҳад шод этди, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси А.Музаффаров. — Бу бизнинг олдимиизга катта вазифалар қўяди.

Ўз мухбиримиз

Бизга жавоб берадилар

«ПОЙТАХТДА ТУРИБ, ГАЗСИЗ ЯШАЙМИЗ»

Газетамизнинг шу йил 41-сонида пойтахтимизнинг Беруний кўчасидаги 1-а уйда истиқомат қилувчи Ф. Тошхўжаевнинг юқоридаги сарлавҳали шикоятга чоп этилган эди. Унга Шайхонтоҳур туман ҳокимиятидан қуйидаги жавобни олдик.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокими маҳкамаси қуйидагиларни маълум қилади: Беруний кўчасидаги 1-а уй «Тошуйжойжамгармабанки» томонидан қурилган бўлиб, 16 хонадонга мулкдорларга бугунги кунда ана шу 16 хонадондан фақат 5 тасига эгалари кучиб киришган. Барча хонадонлар эгалари ўз уйларига кучиб қирмағунларича уйни газ билан таъминлашнинг имкони йўқ.

«Тошуйжойжамгармабанки»га кучиб қирмаган фуқароларнинг ўз хонадонларига кучиб киришларини таъминлаш ҳақида хат юборилди.

Туман ҳокимининг биринчи муовини: А. ЭРТАШЕВ.

КЕЧИККАН НИШОН

Норгул йигит Оллоназар Сафаров ҳам 1941 йилда армияга чақирилди. У фронтнинг Рокоссовский қўмондонлигидаги қисмларида жанг қилди. Украина, Белоруссия, Варшава гупрокларини фашистлардан озод этишда жасорат кўрсатди. Ярадор ҳам бўлди. Аммо урушнинг сунгги кулларида янги майдонда қолди. Оловли сўхмоқлардаги мардлиги, жасорати жанговар медаллар билан тақдирланди.

Оллоназар ҳақиқатан ҳам Оллох ёрлақатган инсон экан. Урушдан сунг умрининг сунгги дамидаги қишлоқ хужалиги, чорвачиликни ривожлантиришга муносиб улуғ кўшили. Тўрмуш уртоғи Майрам Бурibusва билан 9 фарзандни тарбиялаб, воёта етказди.

Оллоназар Сафаров утган йили 80 ёшида вафот этди. Қаранг, сойиқ жангчининг жасорати уша урушда жабр кўрган элларнинг едилан, қалбидан чиқмаган экан. Яқинда Оллоназар Сафаров номига Украина Президентини имзоси билан «Украина шаҳарлари озади» этилганлигининг 50 йиллиги» нишони келди. Афсуски, нишон 1995 йилда жунатилганига қарамай, қарийб икки йил кечикиб, отахон вафотидан сунг келди.

Қодир НОРБЎТАЕВ, Сурхондарё вилояти, Қизилқум тумани

Қандай яхши қиш фасли



Бозор иқтисодининг ибтидоий хизмат турлари авж олган Россиянинг Смоленск шаҳрида «янги рус»ларнинг тадбиркорлиги аҳолини лол қолдирадиган даражада авж олиб кетди. Замонавий кийинган минглаб йигит-қизлар кўп буйи шаҳар бўйлаб изгишиб, шаҳарликларнинг хонадонларини жиринглатишиб ўз фирмаларининг товарларини арзимасган, арзон баҳоларда тақдир қилиш билан банд. Уз маҳсулотлари еки эндигина иш бошлаган савдо ярмаркаларининг тақдироти муносабати билан шаҳарликларга деярли текинга тарқатилаётган минг хил майда моллар учун чаққон ва сахий ёшлар жуда кам, атиги чойчақа сурашади. Бу чойчақа товарнинг эмас, балки уни олиб келиш учун сарф булган йул харажатиини қолларкан. Бу харажат арзимас — 40 дан 60 миңг рублгача.

Афсуски, бундай «ҳотамтой»ликнинг сабаби теада аён бўлиб қолди. Чаққон «тадбиркорлар»нинг тарқатишган матоҳлари сариқ чақага ҳам аримас бўлиб чиқди. Масалан, улар тарқатган будишлик соатлар 10 мингтада 2 соат олдинга кетса, хона ҳавосини тозаловчи асбобларнинг филтрловчи патрони йўқ экан. Арзоннинг оши татимас, деб шуни айтсалар керак-да.

Бундан анча йиллар муқад

дам халқрога яхшудай ташкилотларнинг талабига биноан Швейцария банкларида 1945 йилгача ва ундан ҳам олдин очилган, бироқ бир марта суралмаган жамғарма ҳисоб варақалари излаб топилди. Натигажа, беш ярим миңг ҳисоб варақалари эгаларининг исм-шарифлари эълон қилинди. Ана шунда Цюрихдаги Кантоноль банкда Владимир Ульянов (Ленин) номига очилган ҳисоб ҳам чиқиб қолди. Маълум будишлича, «дохий» Швейцариядан жунаб кета туриб, банка 5 франк 5 сантим пул қолдирган экан. Шундан бери бу пул қўпайиб 12 франк 90 сантимга етибди. Хозирги рус рублига чаққонда бу пул 53500 сўм буларкан. Владимир Ильичнинг мерохурлари бу пул билан бойиб кетиши дарғумон.

Бир пайтлар дунедаги энг бахтли аёл деб ҳисобланган, охириқабат ҳаёти фожиа билан яқунланган қиролчица Диана ҳақидаги ган-сузлар бир зум тухтагани йўқ. Унинг автомобил ҳалокатида омон қолган қуриқчиси 29 ёшли Тревюр Риэ-Жонс яқинда касалхонадан чиққач, ҳалокат тафсилотлари ҳақида гувоҳликка чақирилди. Кўпчилик Диананинг фавқулоддаги улимга унинг билан машинада бирта булган қуриқчиси ойдинлик қиритар, деб умид қилган эди. Бироқ икки соат давом этган суроқ мобайнида Риэ-Жонс фақат «Риэ» мехмонхо-

ЖАҲОН АЙВОНИДА

насидад машинага ўтириб жунатганини ва оқ рангида «Диат-уно» автомобили улар ортидан тушганини эслади, холос. Диананинг қуриқчиси автомобил ҳалокатида хотирасидан маҳрум булгани учун бошқа ҳеч нарсани эслай олмади. Айна пайта Францияда чикадиган «Пари матч» журнали қиролчица Дианадан олдинган «Энг сунгги» интервьюни эълон қилди. Қиролчица вакиллари эса Диана улимидан сунг 4 ой утиб эълон қилинган бу интервьюдаги фикрлар Диананинг гаплари эканига шубҳа билдирди.

Айрим суров ва талқиқотларга қараганда, хитойликлар орасида умр йулдошини танашида севги-муҳаббат ҳал қилувчи аҳамиятта эга эмас экан. Хитой халқ республикасининг бир неча вилоятларида утказилган социологик тасдиқотлар натижаси шундан далолат берди. Талқиқот давомида суралганларнинг — эркеклардан 37 фоиз ва аёллардан 29 фоизига севги турмуш қуришганларини эътироф этишди. Қолган 60 ва 70 фоиз-

дан ортиқ хитойликлар эса ўз умр йулдошларини еоглигига, енига, феъл-атворига, одатлари ва молдий аҳволига қараб танашидан экан. Талқиқотлар яна шунга ҳам курсатди, суралганларнинг қарийб ярми ўз ёстиқдошларини совчилар юрламида «топишган». Аксарият келин-куёвлар оиланинг бахти-саодатини хар иккаля томоннинг ота-оналарининг моддий аҳволига ҳамда улардан бирининг сиёсий қарбаси, яъни жамиятдаги мавке-мартабасига боғлашади. Суралганларнинг аксарияти узлари танагалари билан турмуш қуришда ота-оналарининг розилиги ҳал қилувчи туртки булганини таъкидлашган.

Бишкекдаги тайин касб-кори булмаган ишга яроқли ишчиларга бир қулайлик туздирилди: минглаб ана шундай фуқаролар кучайларни сугуриш, сиририш, жамоат жойларда тозаликни сақлашга жалб этиладиган бўлди. Шаҳар ҳокими Борис Силаевнинг бу ҳақдаги фикрини Қирғизистон пойтахти аҳолиси жуда хурсандчилик билан қабул қилди. Бироқ «сугурти ва ҳокандозга эга бўлиш» учун олдин махсус танаовдан утиш керак бўлади. Танаовдан утган тозалик нособонлари эса дастлаб 20 доллардан иш ҳақи олишади ва кейинчалик «ўз устиларига ишлаб, касб маҳоратларини» ошириб боришса мояталари 30 долларгача ортади. Бишкек шаҳар ҳокимияти

куча сугурувчиларининг касб обривисини ошириш учун уларга махсус кийим-бош тиктириш ва ҳатто йул-йўлакчи уларга чет тилларини ҳамда компьютер билан ишлашнинг ургатишини ҳам режадаштирган.

Худо бераман лесса — эртакечи йўқ, дейишади. Германиянинг Халле шаҳри фуқароси 43 ёшли Элден-Алис Бергер анча вақтдан бери ишсиз. Бироқ у тақдирдан ҳечам нолимайди. Чунки сойиқ алоқачи тез-тез омадини синаб қуради ва бахтига омад ундан юз утирмайди. Тан шундаки, Элен-Алис Бергер турли хил лотерея уйинларида, радио-телевидение танаовларида иштирок этади, ютуқли мусобақаларга тинимсиз қатнашиб келади. Фрау Бергер шуларнинг ҳар бептасидан уч-туртасида голий чиқади. 1997 йилда у 92 бор ютуқ соҳиб бўлди — пул, қимматбаҳо совғалар, сарфат йулдан-маларини қулга киритди. Агар унинг бир йиллик ютуқларини пулга чиқилса, 60 миңг марка бўлади. Бироқ бу аялнинг омаддан орттирган танаовишлари ҳам йўқ эмас: Бергер уз ютган ошхона комбайнлари, кофе қайнатадиган идишлару бошқа турли-туман хужалик асбоб-ускуналарини нима қилишни билмай бошқ қотган.

РАМАЗОНИ ШАРИФ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий Абдурашид қори БАХРОМОВ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!
Муҳтарам «Оила ва жамият» газетасининг қўп сонли муштарийлари.

Ассалому алайкум, азизлар! Мен сизлар билан бу газета орқали иккинчи маротаба учрашмоқдаман. Фурсатдан фойдаланиб, дияримиздаги барча мусулмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Олий ҳайъати аъзолари ва шахсан уз номидан Муборак Рамазони шариф ойининг кириб келиши билан чин қалбдан табриклайман.

Унинг файзу барокати қалбларингизни ва хонадонларингизни мунаввар айласин!

Яратганга шукрим, шу кунларда барчамиз улуг айём ила бир-биримизни сидқидилдан ошқора муборакбод этиш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Бу Аллоҳ таолонинг бизларга берган улуг неъматидир. Бу юк истиқлол туфайлидир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллик байрами тантаналарида муҳтарам Президентимиз И. Каримовнинг, келгуси 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилишлари биз дин аҳлиларини ҳам бағоят мамнун этди. Ушбу талбир дияримиздаги қўп миллатли халқимизга, ундаги тенг ҳуқуқли мумин-мусулмонларга ҳуқуқимиз томонидан курсатилган бекиёс ғамхўрлик намунаси. Рамазони шариф тоат-ибодат, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржалик ойдир. Қутлуф ва барака ойда, иншоаллох, гуноҳлар ювилажак, тавбалар, чиндил ва ихлос билан қилинадиган дуолар мустажаб бўладиган ойдир. Ҳар бир рўздор бу ойда доимо покиза, яхши ниятли, узагаларга раҳмдил, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатли бўлиб, узининг ахлоқи, одоби ила бошқаларга намуна бўладиган хислатларни узида мужассамлангирмоғи лозим.

Яна бир барчаларингизни, Рамазони шариф ила муборакбод этаман. Аллоҳ таоло бу ойда тутадиган рузаларимизни ва қиладиган тоат-ибодат ва дуоларимизни уз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча оилаларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржалик истаб, келгуси моҳи Рамазонга бағри бутунликда етиб боришимизни сураб, дуо қилиб қоламан.



Шу кунларга етказганига шукур!

Рамазон ойининг улуглиги шундаки, айнан шу ойда Қуръони карим нозил бўлди. Аллоҳ таоло уз китобда марҳамат қилади: «Рамазон шундай ойдирки, унда Қуръон нозил бўлган. Қуръон нозил қилиниб, Осмондан Ерга туширилган ой. Бу Қуръон одамлар учун ҳилоят бўлиб, яъни йулбошловчи ҳамда маёқ бўлиб тўғри йўлни курсатувчи раҳбардир».

Ҳақиқатан ҳам Осмоннинг Ер билан туташуви, Инсоният узининг ҳаёти учун тўғридан-тўғри Аллоҳдан курсатма олиши, демакки, бутун олам жаҳолат зулматларидан, нолонликдан, динсизлик иллатларидан Иймон нурига чиқиши мана шу Қуръон билан, Аллоҳнинг курсатмаси билан бўлган экан. Шундай улуг курсатма нозил бўлган ой албатта шарафли, улуг ойдир.

Ҳақиқатан, Қуръоннинг нозил бўлиши Баширийатнинг ҳайвонот даражасидан Инсоният мақомига чиқишига, то Қиёмат алашмай, тўғри йўлда кетадиган инсон бўлиши учун кафолат бўладиган Аллоҳнинг неъматидир.

Яна шу оятнинг тафсири улароқ, Расулulloҳнинг бир муборак ҳадислари бор:

«Рамазон келганида Жаннат дарвозалари очилади». Жаннат дарвозалари чиндан ҳам Рамазонда очилди, чунки, Рамазонда Қуръон нозил бўлди ва Қуръонга амал қилган, унга иймон келтирган одамлар учун Жаннат ваъда қилинди. Демак, Жаннатнинг дарвозаси аввало Қуръондир, Ислоmdir.

Мазкур ойнинг улуглиги яна шундаки, бу ойда минг ойдан яхшироқ бир кеча бор. Бу қадр кечаси. Аллоҳ таоло уз Қуръонда бу кеча ҳақида алоҳида сура нозил қилган ва кечани Аллоҳ таоло рози бўладиган ҳолда ибодатлар билан утказган кишилар учун бериладиган савоблар минг ойлик ибодат билан топиладиган савоблар эканининг хабарини берган.

— Аллоҳ таоло Узининг Қуръонда мана бундай марҳамат қилади: «Эй, муминлар, иймон келтирган зотлар, сизлардан аввалги утганларга фарз қилиб битилган каби, сизларга ҳам руза тутиш битилди. Санокли кунларда руза адо қилиш ёзиб-фарз қилиб қўйилди, шоядки, сизлар тақводор бўлсангизлар».

Мана, рузадан бўлган мақсад нима эканлиги шу улуг оятда баён қилинди.

Биринчидан, Исомлгача бўлган муваққат динларда ҳам руза ибодати буюрилгани ва сунгги — мангу қоладиган дин — Ислам динида ҳам руза ибодати бор эканлиги;

Иккинчидан, бир умр эмас, санокли кунлардагина, яъни 12 ойда бир ойгина руза тутишимиз бу оятдан маълум бўлди.

Учинчидан, бу ойда сизларга рузани фарз қилдик, токи тақводор бўлсангизлар, дейди Аллоҳ таоло.

Демак, рузадан буён бизнинг тақвомиз экан. Аллоҳдан кўришимиз, Унинг ҳар бир буйруғига итоат қилишга урганишимиз учун Аллоҳ бизга руза ибодатини фарз қилган. Яъни, руза — биз мусулмонлар учун бир синов, имтиҳондир. Исомлгача барча рўзлар — намоз,

закот ва ушбу суҳбатимиз мавзуи — руза — имтиҳонлардир. Шу имтиҳонлардан йиқилмай утган бандалар бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам Аллоҳнинг ризолиғига эришадиган бахтли кишилар булар эканлар.

Масалан, намозни нафс хоҳламайди. Аллоҳ таоло инсоният учун одамларни ва оламдаги бор неъматларни яратиб, шунинг шукронасига Мени эслаб тургин, деб кунда беш маҳал тоза таҳоратли ҳолда Узига сажда қилишимизни буюрди. Бу бир имтиҳон эди. Ундан ҳамма ҳам ута олмади. Шу ибодатни ало этаётганларнинг ҳаммалари ҳам мазкур синовнинг қадрига ета олмади.

Закот ибодати ҳам бир имтиҳондир. Ҳар биримизнинг фикримизни, кучимизни, жисми-мизни ишлаб, пешона тери билан топган молу дунёдан бир қисмини «Мен учун беринг, — деб имтиҳон қилалди Аллоҳ таоло. — Чунки бу молу-дунёни Сизга Мен берганман».

Худди шунингдек, йилда бир ойгина Аллоҳ берган неъматлардан, ейиш-ичишдан, шаҳвоний хоҳишлардан уз ихтиёримиз билан, Аллоҳдан савоб умид қилиб оч ва ташна юришимиз — руза ойда кундузлари руза тутишимиз ҳам бир илоҳий имтиҳондир.

Бир ҳадиси муборакда Расулulloҳ алайҳис салом Аллоҳ таолонинг сузаларини бизга етказганлар: «Ҳар бир яхшиликка ун баробардан то 700 баробаргача мукофот бераман». Демак, Аллоҳ йўлида ҳолис ихлос билан, иймон билан қилинган ҳар бир катга ёхуд кичик ишми-эвазига Аллоҳимиз бизга 10 баробардан 700 баробаргача мукофот бераман, деб ваъда берди-ла, лекин руза ундай эмас, дейди. Чунки руза — мен учун бўладиган ибодат, унинг мукофоти-ни Узим бераман, қандай мукофот беришни ҳам узим биламан, дейди. Бу илоҳий фикрни шундай тушунишимиз мумкинки, руза инсон ало этаётган ибодатлар орасида елгиз ибодат қилувчи билан Аллоҳ уртасидаги бир сирдир.

МУБОРАК ОЙ

Январ	Рамазон ойи ҳафта кунлари	Саҳарлик вақти — соатгача	Ифторлик вақти — соатла
31.XII	Чоршанба	6.09	17.04
1	Пайшанба	6.08	17.05
2	Жума	6.08	17.06
3	Шанба	6.07	17.07
4	Якшанба	6.07	17.07
5	Душанба	6.06	17.08
6	Сешанба	6.06	17.09
7	Чоршанба	6.05	17.10
8	Пайшанба	6.05	17.11
9	Жума	6.04	17.12
10	Шанба	6.04	17.13
11	Якшанба	6.03	17.14
12	Душанба	6.03	17.15
13	Сешанба	6.02	17.16
14	Чоршанба	6.01	17.17
15	Пайшанба	6.01	17.19
16	Жума	6.00	17.21
17	Шанба	5.59	17.22
18	Якшанба	5.58	17.23
19	Душанба	5.58	17.24
20	Сешанба	5.57	17.25
21	Чоршанба	5.56	17.26
22	Пайшанба	5.55	17.27
23	Жума	5.54	17.28
24	Шанба	5.53	17.30
25	Якшанба	5.52	17.31
26	Душанба	5.51	17.32
27	Сешанба	5.50	17.33
28	Чоршанба	5.48	17.35
29	Пайшанба	5.47	17.37

Рўза тутиш нияти дуоси:

Навайту ан асума савма шаҳри Рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан диллаҳи Таала. Аллоҳу акбар.
(Рамазон ойининг рузасини эрта тонгдан қуёш ботганига қадар ҳолис Аллоҳ таоло учун тутишни ният қилдим. Аллоҳ улугдир).

Рўзани очиш дуоси:

Аллоҳумма лака сўмту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту.
(Эй, Аллоҳ, фақат Сен учун руза тутдим ва фақат Сенга иймон келдирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сен берган ризқ билан оғиз очдим).

бирив билмайди. Руза ички ибодатдир. Шунинг учун бу ибодатга риё аралашмайди. Бу ибодат мен учун қилинади, шу сабабли рузанинг мукофоти уни узим бераман, дейди Аллоҳ таоло. Яъни 700 баробар ҳам камлик қилади. Бунинг миқдорини Сизлар билмайсизлар, Елгиз Узим биламан, дейди Аллоҳимиз.

Бир ҳадиси муборакда Расулulloҳ алайҳис салом: «Руза — сабр — иймоннинг ярмидир», дейдилар. Демак, руза иймоннинг туртдан бири экан. Муъмин мусулмон эканимизга, иймонли эканлигимизга тутган рузамиз ҳам далолат бўлар экан. Дарҳақиқат, «сабр — иймоннинг ярми» экан, иймонли киши учун сабр қилмоқлик — энг асосий вазифалардан бўлади. Масалан, иймонли киши бутун динсизларнинг хуружларига, бу дунёдаги адолатсизликларнинг ҳаммасига Аллоҳ йўлида сабр қилиб ута олади. Иймонли киши узи севган Аллоҳнинг дийдорига етиш учун Қиёматгача сабр қилади. Зотан, Ҳақ таолонинг дийдорига муяссар бўлмоқ бу дунёда бериладиган неъмат эмас. Аллоҳ ваъда қилган Жаннатга етиш учун ҳам сабр қиламиз. Демак, иймонимиз сабр билан. Бесабрлар ҳозирнинг ҳузурини ўйлайдилар ва шунга суғнадилар. Муъмин одам Охиратга ишонади ва Охиратдаги неъматларга, энг катта мукофот бўлган Аллоҳнинг дийдорига сабр билан етади. Шу сабрни бизга ургатадиган ибодат — рузадир. Тирик жоннинг табиий эҳтижлари була туриб, Аллоҳ йўлида ейиш-ичишдан, шаҳвоний хоҳишдан, умуман, нафсоний ҳар қандай истақлардан кечгача тийилиб, сабр қилмоғи иймоннинг бир белгиси экан.

Бизларнинг фақат оч-ташна юришимизга Аллоҳ муҳтож эмас. Балки рузани иймон билан, худонинг буйруғи, деб қабул қилиб, савоб умидида шу ибодатни адо қилсакинга тутган рузамиз қабул бўлади. Бир ҳадиси шарифда Расулulloҳ алайҳис салом: «Рўзадорман, деб руза тутиб юрганлардан қанчалари борки, уларга тутган рузаларидан очлик ва ташналик қолади, холос», — дейдилар. Еки яна бир ҳадисларида: «Қайси бир одам руза тутсаю, аммо ёлгон сўзлан, гуноҳ ишлардан тийилмаса, бу оламнинг ейиш-ичишини тарк қилишга Аллоҳ муҳтож эмас», деганлар. Шу ҳақда Аллоҳнинг «Руза — қалқондир» деган қалимаси бор.

Шайх Лоуддин МАНСУР



Мухаммад ЮСУФ шеърятимиз осмонининг энг катта юлдузларидан.

У бадий тўқималар, шаклий устозларнинг курсатмади. Лекин ўзбекнинг феъл-атворини, дарду-орзуларини кўтариб чиқди ва эл орасида севили бўлди. Улаб китоб чиқариб, ҳали ҳеч ким танимайдиган, лекин юрт танишини чин кўнгилдан истаган ишодкорлар ёзишни, улус кўксига бош қўйишни Мухаммад Юсуфдан ўрганиши лозим. Зеро, халқнинг муҳаббатига ҳақиқий баҳо, ҳақиқий муҳаббатидир.

Халқимиз муҳаббати осмонига ярашасиз, Мухаммад Юсуф!

КУКЛАМОЙИМ

Озод акага

Сочимда оқ, мен баҳордан утиндим;
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.
Қор кўйинида сени кумсаб ўқиндим,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.
Кўнглимга кук бинафшалар сочилсин,
Коклига толпоғуқдан соч илсин.
Бойчечакка борар йулар очилсин —
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

МУХАММАД ЮСУФ

Кел-да энди соғинтирмай оламини,
Сен йўгингда бир ғам босди елкамини,
Қорлар кураб кумиб келдим отамни...
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламини
Оежяланг суюнтирай боламини,
Узинг олгин кўксимдаги аламини,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин адир-даштинг ясаниб,
Ялпиз билан сув буйига ястаниб,
Икки мисра байт битай бир мактаниб,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан,
Кумри билан бирга чиқдик биз қишдан,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Туйиб-туйиб кузга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен,
Кукламойим, кукингдан бер бир чимдим!

ШАВАЛМО

Қиз бор уйнинг файзи булак дейдилар,
Жаннат — йуди қиз бор йулак дейдилар.
Тоғ йўқ жойда қир ҳам булар сунячик,
Қиз отага қирдай тиргак дейдилар.
Совчилари эшигиде зор булсин,
Насибалар, Нозималар бор булсин!..

Қиз йўқ юртга кукам сепин тушарми,
Келинчаксиз туйлар-туйга ухшарми.
Қиз йўқ элда қайдан булсин ботирилар,
Қиз кутмаса йигит олов кечарми.
Ҳар йигитни куттувчи бир ер булсин,
Мавлудалар, Маъсумалар бор булсин!..

Қизи йўқнинг, ойсиз, хомуш кўргони,
Қизинг келса-келар кўнгли сўргони,
Бор булсин шу бошинг узра парвонинг,
Йигит йўлнинг, қиз кўнглининг сўлтони.

Беш фасл ҳам уйингда баҳор булсин,
Маъсудалар, Маҳзуналар бор булсин!..

Огоҳиндир яхши-ёмон кўнингдан,
Бир қиз афзал етти оғ-инингдан.
Бир кун кузни юмар булсанг Мухаммад,
Фарёд еғар қиздан уза кимингдан.
Кокил ёйиб тезангда қатор булсин,
Маликаи Мадиналар бор булсин!..

ХУДОБЕХАБАР

Одамларда узғаришни курсангиз:
Бугун чала мулла — чала олимлар,
Афтин бужмайтирар салом берсангиз,
Кеча идорадан чиққан холимлар.

Кеча қабристонга борганин талаб,
Бутун гап бермас бир гузар оламга.
Қадриятдан суйлар сумалак ялаб,
Кеча чури эди Наврузбузарга!..

Гуе битта узи зеб бу дунёга,
Қийқ ахтарайди шоҳу галодан.
Тушволса, дарс берар иби Синога,
Хато топар ҳатто, Одам Атодан.

Ўзбекининг хонаки Чуст дупси ор,
Икки ёнбошида икки давангир.
Хаммомга борса ҳам қалпоқчаси бор,
Буйнида балдоқдек яттирар занжир.

Йил буйи беш фасл — унинг мавсуми,
Қолмас улдан Чорсу, қолмас Отчопар.
Фишинг хартумидай унинг халқуми,
Худо, худо дер-у, худобехабар!..

ЎЗБЕККИСЯТОН

Ўзбекистон, олам аро Нурли нуқтасан:
Икки қошинг орасида Дунё курки бор.
Ой келинчак остонангда Юз очиб баҳор,
Еринг-ку ер, томинга ҳам Гул сочиб баҳор —
Ризқ бутун иймон отлиг Кутлуг қитъасан!..

Сен қадридек сабри улуг,
Сен меҳри дарё:
Сенки суйиб сийлаган бош
Хам булмас асло.
Худо шохил, хордир сени
Билмаган аммо!..

Бир юракнинг уйғонишин
Қирқ йил кутасан.

Сал чиройинг очсанг учди
Тошлар барингга,
Дуст қувонди, душман тегиб
Қитиқ-парингга.
Улуг тоғим, парво қилма
Рақибларингга,
Бир шаҳари аризмас бир
Отбоқарингга —
Сен ҳақсанки, сен ютсанг ҳам
Сен жим ютасан.

Темурзода углонларга
Темурнинг мулки.
Кўйинг тула ҳикмату-дур,
Елканг бир силки,
Эй, бобомдан мерос менинг
Бўстони билки,
Буюк элинг, буюклигинг
Ҳақиқат, чунки —
Кўш битта булганидек
Сен ҳам биттасан!..

ЧУЛПИОН

Ай кўнгли, кўнглинг оч энди,
Недин дил гашлиги кетмас.
Очил бир: сенга не етмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди!..

Қукда гоҳ очилдик, сўндик,
Ҳақ учун биз қалам йўндик.
Буни ким эътироф этмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди.

Юрт учун гоҳ кечиб уздан,
Биз қаср ясадик Суздан.
Бу газна тутанмас-битмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди.

Гарчи хор, гарчи — кам-кустмиз,
Биз ахир сен билан дустмиз.
Қиемат дустни дуст сотмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди!..

Балад дорга осидикми,
Тукилдикми, сочилидикми?...
Бош эгма, Бизга тиг ботмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди.

Азалдан жойимиз қукда,
Оқбадан ойимиз қукда.
Бизимсиз бунда тонг отмас,
Ай кўнгли, кўнглинг оч энди!..

АКСИНГ ҚОЛИБ КЕТСИН ҚАРОҒЛАРИМДА

Ҳар бир ишхонанинг ўзига хос байрамона ютуқлари бўлади.

Абдулла Менгқобиловни ишодкор сифатида кашф этиши «Оила ва жамият» таҳририяти ҳаётидаги ана шундай қувончли воқеалардандир.

Абдулла адабиётга иқтидори етук сўз устаси, қалбнинг энг улуг дардларини фасоҳат билан ашғор этувчи гўзал шоир бўлиб кириб келмоқда.

Шеърларида воҳалар мафтункорлиги, юксак чўққилар оҳанрабои бор.

Қабул қилинг, қаршииғизда янги истеъдод: Абдулла Менгқобилов

БОҒДА

Саратон осмони хазон элайди,
Гиёҳлар қовжираб тортар зафарон.
Гулнора, инонма, аёз келмайди —
Қалбда ишқ гунчаси гуллар ношармон.

Инонма, дарахтлар елгончидирлар,
Улар севоламаслар тафтипайкорни.
Балки, ҳавасланиб айтмоқчидурлар —
Бизга бергин дея, дилдан баҳорини!..

Иссиқ қафтларимда кўлингни тутиб —
Сезияман бағримда кўши тигини.
Юрагим тубида румол силкитиб,
Ниш урган кузларинг қорачуғини!..

Севгилим,
Аксинг қолиб кетди, қароғларим

да,
кузимни юмаман.
Энг нафис,
баҳорий гул япроғларига
ишқингни кафанлаб, кузимга кумаман,
кузимни юмаман!

Кузларим меҳрини ҳовучлаб ичиб,
қорачуғлигингга қуна бошлайсан!
Аллоқчи елларнинг баҳридан кечиб

Кузларимда гуллаб уна бошлайсан!
Кузимни очмайман,
офтоб тиллари,

ҳусни жамолингни қилмасин пайҳон,
Ножинс кимсаларнинг келиб сўқлари —

тиламчи булмасин биргина мужгон!
қуешсиз оғирдир, биламан сенга,
Қалбим ҳарорати заррин нур эрур.
Ҳар бир риштасида ишқим намоён,
Ҳар бир риштасида товланар осмон!..

Севгилим,
фақат сен,
Аксингни кузимга кумакка,
Бир умр яшапга кунмакка.
Аксинг кучоқлатиб бир умр —
кузимни юмакка розимисан, айт?!
Аксинг қолиб кетсин қароғларимда!

УНАМАДИНГ...

«Юлдузинг узимга монанд-мос» —
дединг,
Бусага чоғлансам, «узни бос!» —
дединг.

Мушқдор сочларингни кузимга суриб —
Шул сочлар дорига мени ос! —
дедим,
Унамадинг,
Унамадинг, эй ер!..

Утлг оҳларимдан олмалар пишди.
Нақш олма дудогинг уғирлар хушни.
Журъат камаримни белимга боғлаб —
Мен ваъда айладим бахтли турмушни!..

Унамадинг!
Унамадинг, эй ер!

Бир оқшом уйингга узинг чорладинг,
Ун тўрт кўнлик ойдай балқиб порладинг!
Олу лабларингдан тилос тердириб —
Енимдан кетма, қол! — деб зор-зорладинг,

Унамадим!
Унамадим, эй ер!..

Бугун дарё булиб гувранар ҳижрон,
Сен ул ён, мен бул ён, юракларда чўғ.
Маънос термуламиз, аммо
Севгилим —
Бизга бу дунёда қуришмоқлик йўқ:
Унамаймиз! Унамайсиз, дол!!

ХАЗОН ЯПРОҚЛАРИ

Ям-яшил боғларни туш қурган санам,
Қалбида туйғуси жуш урган санам,



Абдулла МЕНГҚОБИЛОВ

Хазон япроқларни хуш қурган санам,
Узганинг булойин!
Узганинг булай!

Сабру-қаноатга бой булган санам,
Уза осмонда ой булган санам,
Кокйили шарқираб сой булган санам,

Узонинг булойин!
Узонинг булай!

Қалбининг кемтгни тўлмаган санам,
Севгану, севикли булмаган санам,
«Далли дсона!» — деб қулмаган санам,

Севгонинг булойин!
Севгонинг булай!

Хазон япроқларни хуш қурган санам!

Боғбонинг булойин!
Чорбоғинг булойин!
Япроғинг булойин!
Йўқ дем!..

УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Олий тоифали стоматолог Шерали ЖўРАЕВ билан суҳбат

Шифокор гурунги



— Шерали ака, сиз фаолият кўрсатаётган соҳа — стоматология тиббиётда энг асосий соҳалардан бири саналади. Шундай экан, келинг, суҳбатимизни стоматологиянинг бугунги кунда ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида мулоҳазалардан бошласак.

— Бажонидил. Аввало узимнинг бу касбга муносабатим ҳақида: касбимни севман ва шу йўлни таллаганимдан мамнунман.

Энди стоматология ҳақида: стоматология алоҳида соҳа сифатида асосан 80-йилларга келиб кенг ривожлана бошлади. Кўпчилик эсласа керак, 60—70 йилларда ҳозиргидай алоҳида тиш мутахассислари йўқ эди. Юқорида айтганимдай фақат 80-йилларда келибгина тиббиёт олийгоҳларидаги стоматология факультетлари кенгайиб, тиш ортопеди, хирург, терапевт каби ихтисосликлар ташкил этилди. Ва жойларда ихтисослашган тиш поликлиникалари ташкил этилиб, унда минглаб тиш шифокорлари ҳалққа хизмат кўрсата бошладилар.

Маълумки, инсон ҳаётида тишларнинг аҳамияти беқисс. Тишлар, биринчидан, одам организ-

мида овқатни ҳазм қилишда асосий восита бўлса, иккинчидан, талаффузининг раvon бўлишида таянч деворлари ҳам ҳисобланади. Ҳар бир кишида умри мобайнида 50 га яқин тишлар бўлиши кузатибган. Шунлардан 18—20 таси сут тишлари бўлиб, улар қисқа вақт мобайнида чиқиб-тушади. Улар ўрнини эса вақти келиб мустаҳкам, доимий тишлар эгаллайди.

— Кеңирасиз, сўзингизни бўлдим. Сиз ҳозир тишларнинг чиқиб тушини ҳақиқат мулоҳазаларингизни жуда оддий ва табиийдек қилиб гапирдингиз. Лекин кўп болаларда мана шундай ҳолат содир бўлмайди-ку?

— Эпирозингиз уринли. Айниқса бундай ҳолат кейинги йилларда жуда кўпила учрамоқда. Инсон организмда тишлар тутилгандан сунг эмас, балки она қорнидаёқ ривожлана бошлайди. Боланинг тиши мустаҳкам, чиройли, бир текис, нуқсонсиз бўлиши кўп жиҳатдан онага ҳам боғлиқ. Агар онанинг тишлари соғлом бўлса, туғилмак бўлади ҳам соғлом тишлар шаклланади. Ҳомилалар она ҳомилаларнинг даврининг дастлабки кунлариданоқ бунга қаттиқ риоя қилиши керак. Бундан ташқари она ҳомилаларнинг даврида имкон қадар витаминга бой таомлардан истеъмол қилиши лозим. Кўпчилик аёлларимиз ҳомилаларлик вақтида ҳар хил антибиотик дориларни кўпила истеъмол қилишлари оқибатида болаларнинг тишлари кингир-қийшиқ, эки сариқ рангда чиқиб кузатишмоқда.

Энди сизнинг эпирозингизнинг яна бир сабаби, агар кузатган бўлсангиз, кейинги йилларда болалар учун чиқарилаётган овқатларнинг аксарияти юмшоқ ва суюқ. Бола айна икки ешдан ун икки сиптача бўлган вақт мобайнида кўп-

роқ қаттиқ, чайналдиган овқатларни еса мурт сут тишлари емирилиб, улар ўрнида доимий мустаҳкам тишлар чиқади. Юмшоқ, чайналмайдиган овқатларни мунтазам истеъмол қилиш оқибатида ҳақиқатан ҳам кўп болаларда сут тишларининг туқилмай қолганиги рости. Шунинг учун болаларни гудаклигиданоқ мустақил овқатлар ейишга ургатиш тишларининг мустаҳкам бўлишини кафолатлайди.

— Аҳоли ўртасида кўпила учрайдиган тиш касалликларидан бири тишларнинг емирилиши. Яъни ҳалқимиз тили билан айтганда «қуртлаши»нинг келиб чиқиб сабаблари нимада?

— Ҳақиқатан ҳам, аҳоли ўртасида бу касаллик кўпила учрайди. Бунинг келиб чиқишига асосий сабаб безэтиборлик, тиш гигиенасига риоя қилмаслиқдир. Гоҳида қабулимизга давонгирдай-давонгирдай йиғитлар тиш оғригидан шикоят қилишиб келишади. Бир кунда неча марта тиш ювасиз, десаңгиз елка қисийади. Бу бир сабаб. Яна бир сабаби шунки, кўпчилик ҳолларда иссиқ овқатдан сунг совуқ ичимлик эки совуқдан сунг иссиқ таомлар истеъмол қилиш оқибатида тишларга дарз кетади. Дарз кетган тиш оралиқларига эса овқат қолдиқлари кириб маълум вақтдан сунг улар аяниб, зарарли микробларга айланиб, тишни касаллантиради.

— Баъзи кинилар тишлари оралиқларида ҳар хил таблеткалар эки бўлмаса саримсоқ пивэ эки ное қўйиб муолажа қилишади? Бундай ҳолларга қандай қарайсиз?

— Бу ниҳоятда номақбул йулдир. Чунки, уша одам оғзинга қурқоқлиги туфайли битта носог тишини бир нечтага қўпайтиради. Оғриган, касалланган тишларни уз вақтда шифокорга мурожаат қилиб

даволатиш, соғ тишларни асраб қолиш гаровидир. Бундай паллада сиз айтгандек, чекиш, нос қўйиш мутлақо тишлар учун зарар. Мана шундай билиб-билмай қилинган муолажалар оқибатида турли хил хавфли гайморит, рак касалликларини келиб чиқади.

— Шерали ака, мутахассис сифатида айтингчи, қўйлаётган суний тишлар табиий тишлар ўрнини боса оладими? Суний тишларнинг қайсылари сифатли ва узоқ муддатли?

— Аллоҳ ҳар нарсани гула-тукис яратганки, у яратгандан кура чиройлироқ ва чидамлироқ нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ иссиқ жон. Ҳам мамиз ҳам оғриймиз. Шу жиҳатдан тиш оғриги ҳам табиий ҳол. Шу томондан қараганда суний тишларнинг ҳам ўз ўрни бор. Тиши тушган эки синган одам суний тишлар кўйдириб, ҳунук қўрилади. Қолаверса, еяётган таоми ичши чайналмаслигидан ички органдар иш фаолияти ҳам бузилади. Суний тишларнинг ҳозирги вақтда турлари кўп. Булардан фарфор, металл-керамика, айниқса, тилла тишларнинг кафолоти узоқдир.

— Шерали ака, маълумингиз-ким, ҳозирги кунда фан-техника жуда ривожланиб кетди. Хусусан стоматология соҳаси ҳам бундан мустақно эмас. Шунлардан келиб чиққан ҳолда сиз ўзингизни замонавий шифокор дея оласизми?

— Мен шифокорман, уқиганман, шунинг ўзи стади, десам катта хато қилган бўлман. Суҳбатимиз муқаддимасида айтганимдек менинг ҳаётимда илланувчанлик, ҳаракатчанлик асосий қонун-қоида ҳисобланади. Уз устимда кўп ишлайман, илланаман. Тугри, ривожланган давлатлар миқсисида олиб қараганда, бизда фан-техника бироз орқадда бўлиши мумкин. Лекин одам қилган ишни одам қила ола-

ди. Фақат оғзини қизиқиш, эътибор бўлса қифоя. Яширмайман, ҳозирги кунда кўпчилик чет эл асбоб-ускуналарига, мутахассисларига қандайдир юқори ишонч билан қараб мурожаат қилишади. Тан олиш керак, чет давлатлик мутахассислар қилган ишни биздаги мутахассислар ҳам бемалол уддалай олади.

Мен сизга иш фаолиятимда учраган бир воқеани айтиб берай. Биласиз, шифокор бўлганингиздан кейин қабулингизга ҳар хил беморлар келади. Кўп узоқ эмас, 6—7 йил бурун қабулимга бир хоржий киши тиши оғриб келди. Беморнинг милки узоқ йиллар олдин касаллангани туфайли кўп тишлари тушган, ўрни эса бум-бум эди. Мен узоқ муддатли муолажадан сунг бир йулдакй унга кулай бўлган металлдан тиш ҳам қўйдим. У қилган ишимдан шунчалки хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто уз мамлакатига борганда танишлари, оиласига фахрланиб кўрсатибди. Арзиматган нарҳда шунча тиш қўйилганига ва шифо топганига улар жуда хурсанд бўлиб миннатдорчилик мактубларини йуллашибди. Айтмоқчиманки, бизнинг медицинамиз ҳам бошқа давлатлар медицинаси билан бемалол рақобатлаша олади.

— Суҳбатимиз сўнида газет-хонларимизга Янги йил тилакларингиз.

— Узим ҳам шу саволни кўтиб турганим. Келаятган йил «Ойла Яйли» деб эълон қилинган. Бунда катта ҳикмат бор. Зеро, барча эзгулик оилада камол топади. Истагим: келаятган йил барча хонадонга омад, бахт олиб келсин.

Суҳбатдош: Дилбар САФАРОВА

ХУРМАЧА ҚИЛИҚ

Хат

Мана уч ойдирки, пойтахтимизнинг Со- бир Раҳимов туманидаги Гуручариқ ма- ҳалласида деярли ҳар кун, кунора 20—30 дақиқа, ҳатто баъзи кунлари 4—5 соат- лаб электр токи ўчиб қолмоқда.

Айниқса, ишдан келиб кечки овқатга ўтирган, телевизор кўриб дам оламан, болаларни ювинтириб олай, деганлар бу ҳолдан қаттиқ ранжишмоқда. Пойтахт марказидаки шундай бўлиб турганидан сў- нг, билмадик, чекка жойларда бу соҳада аҳвол қандай экан? Хуллас, кимларнинг- дир бундай хурмача қилиғи маҳалла аҳли- ни ранжитмоқда.

Саидмурод САИДАҲМАД



—Хув тоғдан-чи, Қорбобо келармикан?

ШОҲДОР ОДАМ?!

Ажабо!

Сурхондарё вилояти, Икраз қишлоғида яшов- чи Шойманов Жума Бекназар углининг қулоғи устида ушиб чиққан 4-5 сантиметрча катталиқдаги усимтани куриб ҳам ҳайратга, ҳам даҳшатга тушади одам. Усимта ҳар жиҳатдан эчкининг кичрайтирилган шохига ухшайди.

— Касбим электромонтерлик, — дейди Жума ака, — етти ой бурун тўқсон еши отам оғирлашиб қолди. Ишга ҳам бормай, отамга қарадим. Уша кунлар қулоғимда қандайдир санчиқ бошланди. Секин-секин у санчиқ, куриб турганингиздай, усимтага айланди. Усимтанинг ташқарига чиқ- қан қисми қаттиқлашиб, ичдаги қисми тобора томир отиб бораёпти. Аммо оғримайди. Ухланга бироз ноқулай, холос. Энди пешонамда ҳам ушанга ухшаш жараён бошланган. Усиш аломат- лари бир хил, иккита усимта шохдай бўлиб ушиб чиқаяпти...

Шавкат РАББИЕВ

ТУРСУНОЙ МОМО САКСОНГА КИРДИ

Қалби дарё момолари бор бу элнинг

Бунинг нимаси янгилик? Агар умр вафо қилса, Аллоҳ насиб қилган бўлса, одам бола- си юзга ҳам кириши мумкин, дерсиз. Лекин гап бунда эмас, гап бошқа еқда. Турсуной мо- мо Самиева... Келинг, батаф- силроқ гапирайлик. Момо бун- дан роппа-роса саксон йил бу- рун тоғли Бойсун туманининг Қўрғонча қишлоғида таваллуд топган. Ун турт ешида уша давр анъанасига кура комсо- мол сафига қабул қилинди. Сунг округ комсомоли пио-

нерлар билан ишлаш бўлими мудири, пионерлар билан иш- лаш бўйича округ комсомоли котиби, кейинроқ эса Денов туман раҳбари бўлиб ишлади. Хуллас, вилоятда момо ишла- маган, раҳбарлик қилмаган идоранинг ўзи қолмаган ҳи- соб.

Бугун саксон еш устида тур- ган Турсуной момо қилган кундан-кун хизмат, меҳнатла- рини эвазига шу кунларда маза қилиб дам олиб ётгандир, дер- сиз. Асло ундай эмас. То ҳануз

вужудини ғайрат тарк этмаган момомиз шу кунларда вилоят давлат сугурта бошқармаси шахсий сугурта бўлимининг бошлиғи вазифасида қатъят билан ишлаб келмоқда.

Турсуной момо роппа-роса олтмиш йилдан бери вилоят- нинг турли туман, шаҳарлари- да ҳар хил вазифаларда ишлаб эл-юртга таниқли бўлди. Бу- гун бутиниб-тинчиманган кам- пири Сурхондарёда тани- майдиган одам балки топил- мас ҳам. Ва яна шуниси ҳам

борки, сурхондареликлар кат- та бир эл бўлиб ҳалига қадар бундай бағайрат кампирини кўр- ган эмаслар.

Роса олтмиш олти йил бу- тун элнинг назарида бўлиб туриш осонми Сизга!

Турсуной момо деганимиз эса то шу кунларимизга қадар элнинг назарида турди ва ту- рибди.

Хуллас, Турсуной момо Са- миева бир инсоннинг, бир

аёлнинг умрига етиб-ортади- ган сон-саноксиз ишларни қи- либ улгурди ва керагидан ор- тиқча иззат-икромни ҳам кўр- ди. Одам боласига яна нима керак ўзи? Аслида инсон фар- занди нимаики ният қилса, нимани излаб йулга чиқса, ушанга эришади. Турсуной мо- мо ҳам кунглида неки тилағи бўлса, қарийб барчасига эриш- ган аёлдир.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ, Сурхондарё вилояти



Далажон, сиз биз учун тоғларни талқон қилдингиз, Минг бало, офатга қарши узни қалқон қилдингиз, Курсатиб тенгиз чилдам оламини хайрон қилдингиз, Бахтимизга соғ булиб юз ешда шундай турсангиз, Уйимизни турини ҳаммаша тулдириб турсангиз.

ДАДАЖОН!

Сизни 68 ёшингиз — таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Аллоҳдан сизга узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг,

деб оилангиз номидан қизингиз Иноятхон



Айни ва муҳтафам МУКАМБАЛХОН!

Сизни таваллуд тошган кунингиз ва Янги йил айемигиз билан чин дилдан қутлаб, сўхат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Умр йўлдошингиз, фарзандларингиз Чароҳсон, Абдуллажон, Отабек, Аслабек



Меҳрибон онажонимиз Руслам ака БОБОНАЗАРОВ!

Муборак 54 ёшларини қарши олмақдалар. Отажон, сеvimли газетамиз орқали сизга эл-юрт камолотига бахшидла тотув ҳаёт, икки дунё бахт саодатини тилаймиз.

Бахтимизга соғ булиб юз ешда шундай турсангиз, Кексаликнинг гаштини берангу бегам сурсангиз, Ботирларингиз фарзандлари бирла шодон юрсангиз: Шу сизларга биз кирганда бирга даврон курсангиз, Қолмас эрди қалба асло бир армоним, отажон, Устиворим, номус-орим, пир сарбоним отажон.

Фарзандларингиз номидан Ботир ва Собиржон



М. Улугбек тумани ижтимоий масалалар буйича мудир уринбосари

ЭЪЛЧЕХРАХОНИ!

Сизни ва оила аъзоларингизни Янги 1998 йил — Ойла йили билан самимий муборакбод этаман. Сизга соғлик-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Эзгу ишларингизда ҳаммаша зафар ер булиб, кунларингиз нурли, келажакнинг порлок, орзуларингиз йулдош булишини Аллоҳдан сураб қолувчи,

дугонангиз Фовсияхон Собирова



Жаҳон ва ширин кизимиз ЭЪЗЛИХОНИ!

Сени 2 январ — таваллуд кунинг билан қутлаймиз. Болаликнинг бегубор шодликлари ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин.

Дадажонинг Раҳматилла ва ойижонинг Раъно



Айни дилим УМИДЖОН!

Сени туғилган кунинг, балоғат 18 ёшига қадам қуйганлигинг ҳамда Янги йил билан чин юракдан табриклайман. Аллоҳ умрингни узоқ, толенгни баланд қилсин, ҳаммаша кузларимизни қувнатиб юр.

Сени куриб одамлар Ҳавас билан қарасин. Ҳар қадамга омон куздан Аллоҳ узги асрасин.

Қамол эҳтиром ила Аббориддин, ойижонинг Муҳаббат, сингаларинг Дилафрўз, Элнора

Тошкент Давлат иқтисодий университетини профессор ва уқитувчилари

АЪИМОВ, АЪЛАРОВ,

ОПЛАХОНОВ, РАХМОНОВ,

ИПЛАЯАХОНОВ Алафин

кириб келатган Янги йил билан самимий табриклайман. Ўзбекистоннинг келажакги булган ешларга иқтисодий сабоқларини ур-татишдек сермашаққат ва эзгу ишларидла омад ва муваффақиятлар тилайман. Оилалари тинч, рўзгорлари бут бўлсин.

ТДИУ талабаси Дилмурод Исмоилов



Айни ва меҳрибон онажонимиз, бубижонимиз Ҳасанова Ҳамас ИСМОИЛ киз!

Сизни табаррук 60 ёшингиз ва муборак рузаи Рамазон ойи билан самимий қутлаймиз. Бахтимизга доим соғ-омон бўлинг, Аллоҳ умрингизни узун қилсин.

Хонадоним Ҳумоси сиз,

Қалбам, Маккам, онагинам.

Рузгоримни рушно қилган оқил ҳакам, онагинам

Ҳурмат билан фарзандларингиз,

набираларингиз.



Ҳурматим ОНАЖОНИМИЗИ!

Сизни чин эҳтиром ила қутлуг айемигиз, 1 январ — 50 ёшингиз билан муборакбод этиб, сизга Аллоҳдан мустаҳкам соғлик, боқий умр, бахтимизга ҳар доим барчамизга бош-қош булиб юришингизни сураймиз.

Қалба борим, дилда торим,

Кузларимнинг қуввати.

Сиз, онажон, меҳрибоним,

Тириклигим давлати,

Жон онажон, қутлуг булғай

Муборак бу ёшингиз.

Яратгандан ҳар он сурай.

Омон бўлсин бошингиз.

Кувёларингиз: Фазиуддин,

Тулкин, қизларингиз

Дилнавоз, Муҳайё,

невараларингиз Нарғиза,

Темур, Фотима, Зухра,

Захро



Айни ва ардоқли адажонимиз

Зулқадир ИБРАХИМОВ!

Сизни 5 январ — муборак 42 ёшингиз билан қутлаймиз. Аллоҳ умрингизни узоқ қилсин. Дунёдаги энг эзгу тилакларини сизга тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг деб,

Фарзандларингиз: Лобар, Қаҳрамон, Фаррух, Анжела; сингаларингиз Феруза ва умр йўлдошингиз Орзугул Аюева. Қашқадарё вилояти, Қасби тумани, Қамаш қишлоғи

Муҳтафам АЛИШЕР АКА!

Акажон! сизни 5 январ — таваллуд кунингиз билан чин қалбдан қутлайман!

Қаторимда норим бор, деб

суюндим,

Акам, сизга бир чинорлек

суяндим!

деб укангиз Собир

Муҳтафам Раҳматулло Умаровни РЎЗИОХОНОВ!

Туғилган кунингиз бўлиш ушбу кун, биз сизнинг фарзандларингиз, дустларингиз, шогирдларингиз учун ҳақиқий байрамдир. Чунки биз ҳаётда сиз сабаб жуда кун нарсалар урганлик, Сиздан урнак олдик. Сиз сабаб, жуда кун бахтли, қувончли воқеаларга эришдик. Худо сизни сийлаб, узингиз эрка баласи қилиб яратган экан, атрофингизда юриб кам бўлмадик. Олим бўлиб илм, олам бўлиб одоб ургатдингиз. Бугунги файли кунда Худодан сизга узоқ умр, оилангизга тинчлик, фаровонлик, ҳаётингизга бахт-саодат доимо ҳамроҳ булишини сураймиз! Олтин бошингиз ҳаммаша Яратганингиз паноҳида бўлсин!

Фаррух, Альберт, Муҳрим, Муҳаммад, Тания



Ҳурматим АҚЛЖОН!

Сизни 50 ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр берсин.

Фарзандларингиз Нарғиза, Фахриддин, Дилфуза, Салоҳиддин, Феруза, Муроджон, Кабилжон, Озода, Нурматов Қаҳрамон



Айни ЭЪЛУЮРЛАХОН!

Сизни кириб келатган 1998 йил айеми билан табриклайман! Ушбу йил сиз учун туғанмас бахту-саодат келтирсин!

Янги йилда эзгу тилак тилайман,

Орду-уйлар рузбга чиқсин

нурлек,

Гулнорахон, Янги йилда

қутлайман —

Бир умрга очилингиз сиз ҳам

гуллек!

Собир

ДИЛДОРИМ!

Вафосизлик менинг ҳалокатим деган эдингиз бир пайтлар. Мана беназир асримизнинг яна бир йилгига қадам қўяётимиз.

Сен йўқсан... Аммо изтиробим, алашим бу эмас. Утиб бораётган йиллар армонидир. Тириклар уз бахтини садоқатсизлик эвазига кулга киртадилар.

ИУКОТАНИМ! Янги йилнинг муборак бўлсин дейман. Сузларим титраб кетади. Чунки атрофда ҳеч ким йўқ. Аллоҳдан булак.

Уста Очил ҲАЗРАТ

Айни ВАСИЛАХОНИ!

Биз сени 3 январ — туғилган кунинг билан чин қалбимиздан қутлаймиз. Сенга Аллоҳдан сўхат-саломатлик, узоқ умр ато этишини сураймиз. Янги йил сенга бахт олиб келишини тилаб

онанг Валидахон, поччанг Саидакбар, жияларинг Саидкамол ва Умидахон

Айни ва меҳрибон онажонимиз

Батобат НАБИЕВА, онамиз

Феруза НАБИЕВА!

Фарзандларингиз ИСМОИЛ ва

НАЗОЖАТЖОНЛАР!

Барчангизни туғилган кунларингиз, муборак Рамазон ойи ва Янги йил байрами билан самимий қутлаймиз. Умрларингиз узоқ, соғ-саломат, бахтли-тахтли бўлинглар!

Ҳурмат билан Исроил ва

Низора Набиевалар



Айни ва меҳтафам онамиз Собиржон ОҶИЛОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Аллоҳдан узоқ умр куриб, ҳаммаша турт мучангиз омон булишини сураб қоламиз. Бахтимизга Онажонимиз билан куша-қариб юринг.

Фарзандларингиз



Меҳрибон онажонимиз Санналат РАХМОН кизини

1 январда туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилаймиз. Бахтимизга доимо омон юрсинлар.

Фарзандлари: Зоқиржон, Феруза, Жамила, невараси Умиджон



Ҳурматим ва айни ОНАЖОНИМИЗИ!

Биз сизни таваллуд тошган кунингиз ва Янги йилнингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизни меҳрибон, оқилда, ажойиб, меҳрбга бой қилиб биз учун бағишлаган отажонингиз ва онажонингизнинг жойлари жапағда бўлсин! Сизга ва ҳамма невараларингиз, чеварларингиз туйларига бош булишингизни тилаймиз. Адажонимизнинг дардларига шифо берсин деб,

ўлингиз Толибжон, Ашшер, қизларингиз Гулнора, Низора, Саёра, Зилола, келинларингиз Муқаддас, Маўҳат

БОРГАН ЖОЙИНГДА «ТОШ БЎЛ»

Изҳори дил

Узатилаётган қизга айтадиган яхши тилакларимиз жуда кўп. Шулар ичида бироз узгачароғи бор. У ҳам булса, «Борган жойингда тош бўл», дейишимиздир. Айрим жойларда дилдора келинчақларимиз ортидан тош отиш одати мавжуд.

Энди уйлаб курсам, бу узига хос тилагу русумда чуқур мазмун муҳассам экан.

Борган жойингда тош бўл!.. Тош каби оғир-босиқ бўлким, ушбу ҳаёт айвонида енгилликка йўл қўйма. Тақдирнинг кучли буронлари, шамоллари, туфонлари сени тушган жойингдан узиб отмасин. Турмушда ялпи фароғатли кунлар бўлавермайди. Унинг оғир-енгли кечмишларига чидаш учун тошдек бардонли бўлмоқ керак.

Борган жойингда тош бўл! Сени

*Борган жойга тош бўл,
келинчак,*

*Борган жойга гул бўл,
келинчак.*

Райҳон унсин босган изингдан.

*Нур тўқилган йўл бўл,
келинчак.*

*Борган жойга дарахт бўл,
куқар.*

Шоҳларингда қўшлар сайрасин.

Сочларингни унсин муҳаббат,

Ой ҳам ҳавас билан қарасин.

Қаранглиринг иншо яратмиш,

Шерозийнинг сатрларидан.

бахтсизлик ва кунгилсизликдан асровчи яна битта восита бор. У ҳам булса тилинғидир. Ҳа, тилига «тош» бостирганлар кўп синовларда ютиб чиқади-лар.

Келин бўлиб тушган қулғу даргоҳ сир-асрорларини авайлаб-асраш учун ҳар қандай дақиқада ҳушерлик талаб қилинади. Баъзан «кунгил» кўрғонини гийбат захридан, муҳаббат гулзорини хазондан асраш, мағлубиятни зафарга айлантиришда ҳам тилдаги «тош»нинг, оғир-босиқликнинг кучи беҳаддир.

Борган жойингда тош бўл!.. Сени енгиллар куйдиrolмасин.

Келинчақ — нози-назокатли паризод. Маликалардек безанган, атиргулдек ороланган қалди-бастинга қараб, момоларимиз тилидан тушмай келаётган шу узига хос тилакни шеърга солдим.

*Шаббодалар шеър олиб умтиш,
Румолиниги атирларидан.*

*Табассуминг тегар торларга,
Дилрабосан, дилга яқинсан.*

*Кунгилдаги қиров қорларга,
Қалов тошиб гулхан еққан сен.*

*Борган жойга тош бўл, келинчак,
Дилга тушган дур бўл, келинчак.*

*Қалб кўрғонин асровчи қушин,
Сеҳрлар бўл, сир бўл, келинчак.*

*Борган жойга тош бўл, келинчак,
Сабру-чидам, бардон, келинчак.*

*Сен борлиқни узингга ургат
Қушли бўл, қуш келинчак.*

Зулфия МҶМИНОВА


ИЙМОНГА ЙЎЛ

- Кимки менинг умматим учун суннатимдан қирқ ҳадисни ед олса, қиёмат кунинда шафоатимга дохил бўлур.
- Ҳалол ризқ исташ ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.
- Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур.
- Хотинлар кийимини кийиб юрган эрларни ва эрлар кийимини кийиб юрган хотинларни Аллоҳ лаънатласин.
- Бир одамнинг бир уйда елгиз етиши тақиқланган.
- Кимки угай ва етим болаларни тарбия ва ҳимоя қилиб устирса, жаннати одамдир.
- Тежамкорлар муҳтож бўлмастар.
- Илм истаб утказган бир соат — тун буйи ибодат қилишдан яхшироқдир. Илм истаб утказилган бир кун — уч ой нафл руза тутишдан яхшироқдир.
- Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарзидир.
- Инсонларнинг қарами диндадир, мурувати ақлидадир, обриси ахлоқидадир.
- Ҳеч бир ота боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя беролмайди.
- Енг, ичинг, кийининг, садақа қилинг, фақат исроф қилманг, такаббур ҳам бўлманг.
- Аллоҳ таоло гайратли одамларни яхши куради.
- Овқатнинг баракиси овқатдан олдин ҳам, овқатдан кейин ҳам қўлни ювмоқдадир.
- Аллоҳ учун ҳар бир мусулмон етти кунда бир бора гусл қилиб, бошни ҳам, бутун танани ҳам ювмоғи лозим.

Зулфия АҲМАДНАЗАРОВА тайёрлади

Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса биз қурдирган биноларга боқинг

Амир ТЕМУР



Курран заминда эркаклар қавмидан чиққан буюк фотиҳлар, тadbиркор давлат арбоблари, жонсиз саҳроларга оқиб — қумларга сиғиб кетаётган дарелар изини узгартган тилсимли муҳандислар каби, не бир аросатда сар-сари кетаётган тарих гилдирагини буриб юборган соҳибқиронлар каби, асрлар қавмидан ҳам наинки гузаллиги — ҳусни жамоли билан, балки ақли-фаросати билан ҳам машаада каби қуриниб-қуриниб турган зодагон маликалар, давлат арбоблари, тожу тахт эгасиyo тadbиркорлик бобнда ман-ман деган алломаларни бир чуқинида қочирадиган («тадбир»га ақл-идрок урнида қўлланилгич ҳийлакорлик ҳам қўшилади) улуг асрлар (хотунлар-маликалар) ҳам утган ва утаётирки, улар бу буюк саҳнада соф маънодаги санамлар, яъни ҳайкаллар мисол хайрату ҳаяжон, фахру ифтихор туйғуларимизни жуштириб туришибди.

Ана шундай маликаи маъмурулар деганда дафъатан талайлар кузмизга қуришиб, номлари тилимизга келади: Тумарис бека, Маликаи Турондот, Бибиҳоним, Курбонжон лодхо, Индира Ганди... Бироқ бу салафлар сафининг бошида нақшу нигори билан, ҳусну малохати, ақлу заковаги ва сонсиз умрларга арзигулик фоже ҳаётлари билан тургувчиларидан бири — шак-шубҳасиз Клеопатра, Нил маликаси, Уртаер денгизи бўйларидан, мана, икки минг йилдирки, сароб мисол жилваланиб турган гузалдир.

Келинг, унинг ҳаётига шунчаки — юзаки булса-да, бир назар ташлайлик.

Клеопатра Нил бўйидаги салтанатнинг собит соҳибаси эди. Унинг мавқеини қуролмаган амакиваччалари билан малика орасида уруш келиб чиқади. Ва малика енгилди. Қоҳирадан қочиб кетади. Бир балиқчилар оролида арқонин давлати билан бошпана тошади.

Шунда оламнинг турт тарафига жаҳонгирлик қўлини чўзган Рим императори-қайсари Юлий Цезар шундоқ енидаги Нил мамлакатига — ички низо-лар қайнаб турган улкага қушин тортади. Искандарияга етавериб, малика Клеопатранинг юртдан қувилганини ешитди-ю, уни топиш, унинг узига қуришни беришини истаб, ҳар томонга чочарлар йўллайди.

Бу хабар мағлуб маликага етди. Бироқ у Рум қайсарига қандоқ қилиб қуришни берсин?

Клеопатра уйлаб-уйлаб йўлини топади: хизматкорларини чорлаб, узини бир гиламга урашни, сунгра бир кема тубига жойлаб, Цезар қароргоҳи сари йўл олишни, ниҳоят, соҳиб-жаҳоннинг ҳузурига етганда, гиламини очворишни буюради.

Ҳокимиянинг амри вожиб: шундай қилинади. Клеопатра гиламдан оёққа қалқиб, жаҳонгирнинг олдига тову мисол рақса туниб кетади. У баайни уз қисмати ни шу рақс орқали баён этади. Бугинамас: узунинг ҳусну-жамоли, қалди-қоматини ҳам намоян этадики, авлодини гу-

заллик эгаси Венерага обориб боғловчи, бинобарин, чиройга берилажак баҳо бобнда узини ягона санаб юрган Цезар маликани, аниқроғи, муъжизани қуриб лол қолади.

Бас, Цезар уни ҳарамга олади ва шиддат-ла босқин ясаб, Нил қушинларини тор-мор этади. Клеопатрага азоб берган жодил амакиваччани дарога чуқтириб юборади. Буям кам: жаҳонгир суюкли Клеопатрани яна тахтига утказиб, Нил мамлакатининг жило-вини қўли-га

бериди. Бироқ орадан кўп вақт утмасдан Цезарнинг чодирода ички низолар қўзғалиб қолади-ю, «Цезар узини фиръавн даражасига кутарди», деган айб билан улимга ҳукм этилади: энг яқин дусту — республикачи Брут уни ҳалок этади.

Клеопатра баайни бева қолади. Цезарнинг тахтига Марк Антоний чиқади. Марк Антоний — ароқхур, тунд, жодил ва шафқатсиз бир зот буладикки, унинг феъли бар-ча Рим аҳлигагинамас, балки қушин — тобе мамлакат соҳиб-ларига-да маълум, унинг уз феълига монанд иш тутиши — вайронгарчиликлар қилишдан ҳузур олиши, фақат ва фақат фотиҳликни касб қилгани ҳам аён эдикки, Клеопатра бошида қандай вабо айланганини дар-ҳол англаб, тadbир излай бош-

лайди.

Нима қилсинки, у жодилини жиловласин? Нима қилсаки, у асов-қонхур эгиледи?

Қандоқ қилиб унинг кунглига кириш, қалбини юмшатиш ва, иложи борица, уз измига солиши мумкин?

Клеопатра Цезарга нисбатан тугган йўлидан бошқачароқ усулда фойдаланишни маъқул куради, токи унинг — у евузининг қўзларини шамдек очиб қўйсин, токи унинг онгиyo юрагига эзгуликлар, гузалликлар, уруғини соҳсин.

Малика Зевсининг чақмоқли булутларидек епирилиб келаётган Марк Антоний ҳузурига бемалол, очик-ошкор ва тантанавор бир тарзда боришни маъқул деб топади: елканлари шоҳилан булган, хизматкорлари башанг кийилган, энг гузал канизаклар бошларига дафна бутоқларидан чамбарактар қўздирган, сайроқи қўшларни-да тинчитиб қўйишга қодир қилгор чалғувчи машшоқ соҳибжамоллар ила тулдирилган кема ҳозирлашни буюради: узи эса (о, аёл зотининг макри!) паркут тахтиравонда гул-чечаклар оғушида бир пари-пайкар мисол етиб олиб, дарога амр этади: «Марк Антоний ҳузурига!»

Марк Антоний... бу жаҳолат рамзи, бу қора куч, туйғулари утмаслашиб кетган кесақ — балки занглаган темир мисол кимса ушбу манзарани қуриб (Цезардан минг чандон ортиқ!),

Киборлар ҳаётдан

оғзини очиб қолади.

Клеопатра Марк Антоний билан қандай суҳбат қуришни ҳам, унинг энг хуш кўрган машғулотлари — эрмақларини, ҳатто у суйган таомлар нималигини ҳам яхши биларди (атайин кемага энг машхур пазандалардан ҳам олволган эди).

Клеопатра сеҳрига тушиб қолган Марк Антоний... ҳадемай унинг қўлига айланиб қолади.

Қўлига... Қўл қилмоқчи бўлиб тургани паривашининг қўлига айланиб қолади.

Ва Клеопатра билан ошиқ уйнаб турган соатида маликага Нил ҳокимлигига Крит орошларини Уртаер денгизи соҳилларини ҳам қўшиб, инъом этиб юборади.

Малика тагин тахтига чиқиб, буюк бир мамлакатни бошқаришга тушади.

Шунда... императорнинг бу сахийлигидан ори келган римликлар унга қарши есен кутариб, унинг қушинини яқсон қилади. Император ҳадемай бошидан жудо бўлишни англаб, Клеопатранин тиззасига шу бошни қўяди-да, заҳар ичади. Орадан сал вақт утмасдан, Клеопатра ҳам энди римликлар бас келолмаслигига иқдор бўлиб, узини илонга чақтиради.

Раҳмон ҚОДИР тайёрлади

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

Сотилади:

Кунгирак қилаётган одамнинг манзили ва маошини аниқлаб берувчи телефон аппаратлари (угриллар учун махсус чиқарилган).

Алмашаман:

Гиддиракли, мотори йўқ машинани девори тикланмаган уйга.

Жаги тинмайдиган — гапириб чарчамайдиган хотинимни соқов тутиқушга.

ТАНЛОВ

Йирик компания маоши юқори лавозимга танлов эълон қилди. Номзодлар билан суҳбатни компания раҳбарининг ўзи — урта яшар, иккала қулоғи ҳам йўқ киши ўтказди. Биринчи номзод унинг барча саволларига пухта ва аниқ жавоб берди. Охирида эса ундан «Менинг ташқи курашим ҳам қанда нима дея оласиз?» деб сурди «шеф».

— Иккала қулоғингиз ҳам йўқ-ку, — жавоб берди номзод ва... суҳбатдан утолмади. Шу куйи иккинчи, учинчи, тўртинчи номзодларнинг ҳам омади чопмади. Охири чиққан номзод навбатда турган йигитга «Қулоқни тилга олманг», — деб шипшиди. «Шеф» суҳбат давомида унга ҳам бояги саволни берди.

Еш болани дафл қилишаркан, онаси йўғлай бошлади.

— Бечора болам, у екда Худодан кекса отахоннинг яхши ялашини, икки опанта яхши куёвлар ато қилишини, амакинга омад, акаларинг соғайиб кетишини сурагин...

Шунда гўрков чидаёлмай тунғиллади:

— Бунча кўп ишни бажаришга еш болани юбормай, узингиз бора қолсангиз бўлмасмиди?

Шунчаки...

Ўргатаман:

Хотиндан пулни яширишнинг минг бир усулини.

Уйламай гапиришни ва гапириб уйламасликни.

Дониёр ЯШМОНОВ

«УЙИНГИЗГА СОВЧИ КЕЛДИ»

Кирк ешлардаги алиқомат, келишган, хушмуомала, газанда (ия, кечирасиз пазанда) йигит узига XX асрнинг камб муъжизаси бўлмиш вафоли ер исламоқда. Миллатининг фарқи йўқ. Ахир севги чегара билмайди-ку. Фақат ешини яшаб қуймаган қиз бўлса бўлди.

Бой-балават оиланинг олий маълумотли тўнғич угли узига 17—18 ешлар атрофида булган умр

йўллоши излайди. Йигит ҳақидаги тулик маълумотни унинг аввали хотинидан 18—19—20 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин. «Бахтингиз қулингизда».

25 ешлардаги Зухра исмли қиз узининг Тоҳирини, садақатда моҳирини излайди. Қиз ҳақида: вазни 100 кг, спортчи, мучали сизгир. Зарарли олатлари йўқ, қушимча маълумотни энасидан сураганг.

Ешим 50да. Ун сотих ерим, куй-кузим, сизгир-бузоғим бор. Ун бир фарзандим бўлиб, иккитасини уйи-жойли қилганми. Рузгор тутишга қурбй стадиған, эри топганини икки қиладиган. Қули гул, жисмонан бақувват, хушмуомалаю хушқилиқ аёлга уйланиш ниятним бор. Қайта уйланмоқчи эмасдим, раҳматли хотиним бу уйининг ишларига дош беролмай у дунёга кетворди.

Р. АБДУВОҲИДОВ

КУ
У
П
Г
УСА
Х
И
Ф
А
С
И

Таниқди найза улоқтирвчи Учқур Топқиров мусобақадан мусобақага жаҳон рекордини... камайтираяпти.

«Сарқор» ва «Сардор» жамоалари ўртасидаги футбол ўйини жанговар дураг билан якунланди. Ҳар иккала жамоадан биттадан ўйинчининг қовоғи ёрилди, учтадан ўйинчи сариқ карточка олди, иккитадан футболчининг қўли синди.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Футбол ўйини бош ҳақами Эшматов ўроқбоев ишқибозларининг ноҳў хатти-ҳаракатларидан жаҳл чиқиб, уларга айниган тухум, чиринган помидор ва «Кока коле»дан бўшаган елим шиваларни ота бошлади. Агар милиция ходимлари хушёрлик қилишмаганда бечора ишқибозларнинг «шўрига шўр» ва тўқиларди».

«Шар-шароб» жамоаси футболчилари янги мавсумга тайёргарликни «Қайинзор» пивоханасида бошлаб юборишди.

Омбор қоровули Матқовул тоғага 100 кило бугдойни дам олмасдан беш юз метр наридаги уйига кўтариб боргани учун оғир атлетика бўйича чемпион унвони берилди.

МАТТИРАЛАР

— Доктор, хотиним билан доим уришаман, маслаҳат беринг, нима қилишим керак?

— Қунига ун қақиримдан юринг. Шунда сиздаги салбий хислатлар йўқолади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, уша бемор докторга кунгирак қилибди:

— Доктор, раҳмат сизга. Яхши бўлиб кетдим.

— Қалай, хотинингиз билан уришмаяпсизми?

— Албатта, йўқ-да! Ҳозир мен уйдан юз эллик қақирим узокдан...

Бўлим командири бир аскардан сурди:

— Айт-чи, Тошматов, мана бир йил хизмат қилибсан, уйинга неча бор хат ёздинг?

— Бешта бўлса керак.
— Нега энди бўлса керак?
— Чунки, ҳаммаси чунтагимда турибди-да.

— Дуконингиздаги моллар нимагадир галати-а? Фақат сурнай билан тушпонча сотасизми?

— Бунни ҳеч ҳам галати томони йўқ-да. Бутун қимлир сурнай сотиб олган бўлса, уч-тўрт кун утиб қўшниси албатта тушпонча сотиб олади.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Gulielm

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шиоримиз:

Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент - 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 19.30

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташқилоғлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0836
28943 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Навбатчи Даврон БЕК

XX аср:

Ҳодисалар
силсиласи

УЙДАГИ БОҒ

Хабаров шахрида истиқомат қилувчи Галина Рубан уйда тувақларда лимон, мандаларин ва анор етиштирилади. Яқинда унинг ана шу уйдаги боғида усаётган лимон дарахти 750 граммли мева берди.

ЭРИНМАГАН
БАНДА

Ҳиндистоннинг Амрохи шахрида яшовчи Анис Аҳмад Сайфи 70 минг донга гугурт чўпидан мамлакат парламент биносининг макетини ясади. Макетнинг баландлиги 75 сантиметрге тенг.

МИТТИВОЙ
ЭГИЗАКЛАР

1951 йил АҚШнинг Флорида штатидаги Уэст Палм Бич шахрида туғилган ва шу ерда яшовчи ака-ука Жон ва Грег Рейслар энг митти эгизаклар ҳисобланишади. 46 ешда ҳам уларнинг бўйи 86,3 сантиметрдан ошмаган.

«АЛЛО, ЭШИТАМАН!»

Америка Қўшма Штатларида 500 миллионга яқин телефон тизими (линияси) мавжуд. Мамлакат пойтахти Вашингтонда ҳар минг кишига салкам 2 мингта телефон аппарати тўғри келади.

ПАҲЛАВОН

Буюк Британиянинг Смолиг шаҳрилик Нил Салливаннинг касби кумир ташувчилик эмас. Лекин у 50 килоди қопта кумир тулдириб 54,7 километр масофага дам олмасдан кутариб борди.

БАЛЛИ, КАЛЛА!

Ҳиндистонлик Мипинд Дашмух исмли киши бошига сут тулдирилган шина идишни куйиб сафарга отланди ва шу кетишда 65 километр йўл босди. Бирор марта дам олишга тўхтамади, идишга қўлини теккизгани ҳам йўқ, бир томчи сут тўқилгани ҳам йўқ.

СПОРТ

КЎПРИГНИНГ ЎЗИ

Венесуэладаги Салто Анхел шаршараси устига — 1008 метр баландликка дор тортилди ва франциялик Мишел Мене ундан икки марта у ёқ, бу ёқка юриб ўтди.

ЮГУРИШНИНГ
ҲОЙДАСИ

Духтирлар жисмоний машқлар, хусусан югуришнинг соғлиққа фойдали эканини таъкидлайдилар. Лекин гишт кутариб югуриш... Англиялик Рег Моррис 4 килоди гиштни кутарган куйи 99 километр масофага тухтамаяк югуриб борди. Агар у гиштни кутарганига кишиб еки ортоқлаб олганда ҳам майли эди. Бутун масофани у гиштли қўлини олдига чўзганча босиб ўтган.